

ТЎҚИМАЧИЛИК ТАРМОҒИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида тўқимачилик соҳасида экспорт имкониятлари ва захираларни ишга солиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Тўқимачилик мамлакатимиз иқтисодиёти ҳажмининг 3 фоизини, саноатнинг 14 фоизини яратадиган йирик тармоқдир. Бу йўналишда 500 мингдан ортиқ одам иш билан банд. Сўнгги беш йилда 3,5 миллиард долларлик 396 та корхона ишга тушди. Ишлаб чиқариш ҳажми 10 миллиард долларга етди. Лекин дунё бозоридаги ўзгарувчан вазият, талаб ва нарх пасайиши соҳани қўллаб-қувватлаш бўйича тезкор чоралар кўришни тақозо этмоқда.

Сўнгги уч йилда жаҳонда пахта нархи тоннасига ўртача 3 минг доллардан 1,5 минг долларга тушди. Бунга мослашиш учун 2022-2023 йиллар учун пахта хомашёсига берилган имтиёзли кредит 3 марта узайтирилди, ўтган йили ҳар бир тоннага 1 миллион сўмдан субсидия берилди.

Қўллаб-қувватлаш корхоналарининг тижорат кредитидан қарздорлиги мавжуд. Атиги 16 фоиз корхона халқаро сертификатга эга. Оқибатда уларнинг ташқи бозорда рақобат қилиши қийин кечмоқда.

Ўзбекистонга нисбатан “пахта бойкоти” бекор қилинганга анча бўлди. Шунингдек, мамлакатимиз Европада божсиз экспорт қилиш имконини берувчи “GSP+” имтиёзлар тизимига қўшилган. Лекин брендлар билан ҳамкорлик ва экспорт миқёси бунга яраша эмас.

Соҳадаги шу каби муаммоларни ўрганиш учун Президент топшириғига кўра, 200 дан ортиқ тадбиркорлар билан мулоқот қилинди. Йиғилишда уларнинг таҳлиладан келиб чиқиб, янги имконият ва вазифалар белгиланди.

Аввало, молиявий соғломлаштириш ва таннархни камайтириш масалаларига эътибор қаратилди.

Бу йил кластерларнинг 2022-2023 йиллар ҳосили учун кредитдан қарздорлиги гаров қўйиш шарти билан беш йилгача узайтирилган эди. Энди 1 августдан гарови тайин кластерлар фақат асосий қарзни тўлайди. Қишлоқ хўжалиги жамғармаси ва банкларга ҳисобланадиган фоизлар эса асосий қарз тўлиқ қопланганидан кейин ундирилади. Агар кластерлар ҳам асосий қарз, ҳам фоизини ўз вақтида тўласа, фоизнинг жамғармага кетадиган қисмининг ярми тадбиркорга қайтариллади.

Шунингдек, кластерларга 2022-2023 йиллар ҳосили учун берилган кредит бўйича 1 август ҳолатига юзага келган 377 миллиард сўмлик пенядан воз кечилади. Тижорат кредитидан мажбурияти бўлган 144 та корхонани молиявий соғломлаштиришга қўмаклашилади.

Бу йилги пахта ҳосилини ўз вақтида териб олиш учун фермерларга тоннасига

1 миллион сўмдан субсидия берилди. Корхоналар ўз маблағи ҳисобидан пахта етиштирса ёки харид қилса, хомашё қийматининг 10 фоизи қоплаб берилди.

Тўқимачилик занжирдаги барча корхоналарга ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз қилиб белгиланади. Бунда ижтимоий реестр бўйича талаб бекор қилинади, умумий фаолиятда тўқимачилик улушига талаб эса 90 фоиздан 70 фоизга туширилади.

Ўз ҳодимларининг фарзандлари учун боғча ташкил қилган корхоналарга, худди хусусий боғчалардаги каби ҳар бир тарбияланувчига субсидия ажратилади.

Ип-калаванинг таннархига электр энергияси қиймати ҳам таъсир қиялпти. Шу боис, энди корхоналарга ўз эҳтиёжи учун ўрнатилган қуёш панелларини тармоққа улашга рухсат берилди.

Бундай имкониятлар фаолиятни ривожлантириш учун таяни бўлади. Ўзида толани қайта ишлаш қуввати йўқ кластерлар ип-йигирув корхоналари билан самарали кооперация тизимини йўлга қўйиши зарур. Акс ҳолда, кейинги йилдан уларнинг кластер мақоми бекор қилинади ва пахта ҳосили учун имтиёзли кредит берилмайди.

Хукуматга бундай кластерлар учун жозибador молиявий чоралар жорий қилиш топширилди.

Йиғилишда ишлаб чиқариш ва экспортни ошириш масалалари ҳам апрофича таҳлил қилинди.

Юртимизда тайёрланаётган ип-калова ва матонинг нархи рақобатчиларга нисбатан ўртача 10-15 фоиз юқори, чунки маҳсулотларимиз таркибининг 90 фоизи пахта. Дунёда эса сунъий тола ва аралаш мато ўрин эгаллаш мумкин. Шу мақсадда Нью-Йорк ва Сент-Луис шаҳарларида савдо уйлари очил бўйича кўрсатма берилди.

Ташқи ишлар вазирлиги ва элчиларга йирик брендлар билан ҳамкорлик қилиш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш, уларни Тошкентда бўладиган йирик кўргазмага таклиф қилиш топширилди.

Корхоналар фаолиятида сунъий интеллектни қўллаш орқали даромадни 20-30 фоизга ошириш ҳамда яширин иқтисодиёт омиллини камайтириш мумкинлиги қайд этилди. Бу борада тўқимачилик корхоналарида “ERP” тизимини жорий қилиш бўйича дастур ишлаб чиқилади.

Йиғилишда ташкилий масала ҳам кўриб чиқилди. Жаҳонда савдо қондалари тез ўзгараётган шaroитда соҳа бошқарувида алоҳида ёндашувга зарурат туғилаётгани кўрсатиб ўтилди.

агентлигига тўқимачилик корхоналарининг халқаро сертификат олишига қўмаклашиб, улар сонини 300 тага етказиш вазифаси қўйилди.

Европа ва АҚШ бозорига тайёр кийим-кечак экспортини кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди. Хусусан, Америкада йилга қарийб 100 миллиард долларлик тўқимачилик бозори бор. Маҳсулотни талабга мослаштириш орқалигина унда ўрин эгаллаш мумкин. Шу мақсадда Нью-Йорк ва Сент-Луис шаҳарларида савдо уйлари очил бўйича кўрсатма берилди.

Ташқи ишлар вазирлиги ва элчиларга йирик брендлар билан ҳамкорлик қилиш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш, уларни Тошкентда бўладиган йирик кўргазмага таклиф қилиш топширилди.

Корхоналар фаолиятида сунъий интеллектни қўллаш орқали даромадни 20-30 фоизга ошириш ҳамда яширин иқтисодиёт омиллини камайтириш мумкинлиги қайд этилди. Бу борада тўқимачилик корхоналарида “ERP” тизимини жорий қилиш бўйича дастур ишлаб чиқилади.

Йиғилишда ташкилий масала ҳам кўриб чиқилди. Жаҳонда савдо қондалари тез ўзгараётган шaroитда соҳа бошқарувида алоҳида ёндашувга зарурат туғилаётгани кўрсатиб ўтилди.

Шу боис, Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги ташкил қилинадиган бўлди. У тўқимачилик, чарм ва иппасаноат тармоқларига масъул бўлади.

Агентлик учун алоҳида жамғарма тузилиб, давлат қўмағи ва корхоналарга арзон айланма маблағ у орқали берилди. Жамғармага 200 миллион доллар ажратилади. Ташкилот ҳузурида тажрибали тадбиркорлардан иборат кенгаш ҳам тузилади.

Янги тузилмага мазкур кенгаш билан бирга таннарх, ишлаб чиқариш ва экспорт бўйича натижадорликни ошириш, кооперацияни кучайтириб, паст қувватда ишлаётган корхоналарни соғломлаштириш вазифаси қўйилди. Халқаро маслаҳатчиларни жалб этиб, тўқимачиликни 2030 йилгача ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш, шунингдек, чарм, иппак ва гиламчилик саноатини кенгайтириш бўйича топширилди.

Бош вазирга белгиланган вазифалар ижроси устидан қатъий назорат ўрнатиш топширилди.

Йиғилишда соҳадаги намунали тажрибалар кўриб чиқилди, тармок раҳбарлари ва тадбиркорларнинг фикрлари тингланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 34 йиллигига

МУСТАҚИЛЛИК ВА МАДАНИЯТ

(Иккинчи мақола)

Миллий мустақилликнинг 34 йиллиги арафасида инсон, жамият ва давлат тарихига оид ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий ҳодисалар, жараёнлар тўғрисида аниқ, равшан маълумотларга эга бўлиш барчамизнинг тарихий тараққиёт босқичлари ёки ортга кетишлар ҳақида ҳолис билимга эга бўлишимиз кафолатидир. Ўзбекистон тарихининг барча босқичида содир бўлган воқеа-ҳодисалар, ўтмишдаги ютуқ ва ғалабалардан куч-қувват олиб, хато ва мағлубиятлардан хулоса ва сабоқ чиқариб аяшайдиган халқ ўз тараққиёт йўли ва келажagini тўғри белгилар олади.

Дарҳақиқат, бугун юртимизнинг яқин ва узоқ тарихига бир назар солиш, шу аснода ижтимоий тараққиётимизнинг келажакдаги стратегик йўналишларини белгиллаб олиш ўта муҳим. Тарих занжирларини бир-бири билан боғлаб турадиган ришталар жуда кўп. Аммо улар орасида маданият каби ноёб, барча замон ва маконда ҳаммани ўзига жалб этиб, жила-яна, одамларда юксак ахлоқий кўникмалар шаклланиши, руҳий тетиклик, ижодий кўтаринкилик каби кўпга сифатлар шаклланишига қўмаклашадиган ҳодиса борки, унинг аҳамиятини асло камситиш мумкин эмас. Президентимиз бекорга бизни маданият боғлаб туради ва у инсоният

тараққиётининг асоси ҳисобланади деб таъкидламаган.

Ҳақиқатан, инсоният мавжудлигини англатиб, аждодлар ва авлодлар занжирини боғлаб турадиган феномен ҳодиса маданиятдир. У реал ҳодиса ва ҳар бир миллат, элат, цивилизациянинг ўзига хослиги, алоҳидалиги, айни пайтда уларнинг ўзаро ҳолда тушуниш ва англаш мумкин эмас. Маданият ва тарихнинг умумийлиги ва хусусийлиги макон ва замонда акс этади.

Маданият инсон ҳаёти, турмуш тарзининг ажралмас бўлаги сифатида ҳар доим

ўзига хос аҳамият касб этади. У миллат ва мамлакатнинг қийинчиликлари, ҳаттоки мустамлака даврида ҳам одамларни курашга олантиради, истиқлолнинг инсоният тараққиётидаги ўрнини белгиллаб беради, жамият аъзоларининг қоронғиликдан ёруғлик, бурулқдан эркинлик сари йўлини белгиллаб келувчи ноёб ҳодисадир.

Шунингдек, маданият ҳар қандай зулм, истибдод даврида ҳам одамларнинг келажакка, тараққиётга интилишларига маънавий руҳ беради, эрк, озодлик, истиқлол йўлидаги курашга мазмун бағишлайди. Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг маданият соҳаси ҳодимларининг жамият ҳаётидаги ўрни масаласига доир қуйидаги

фикрларини қайд этиш лозим: “Тарихдан маълум: Ватан ва халқ тақдирига нисбатан таҳдидлар кучайган вазиятда айнан миллат фидойилари — уйғоқ қалбли зиёлилар, шоир ва адиблар, санъат намоянадалари, маънавият ва маърифат соҳаси ҳодимлари масалат билан майдонга чиққанлар. Жамлаётимиз ўз тараққиётининг янги, юксак босқичига кираётган ҳозирги пайтда бизга жадид боболаримиз каби Ғарб илм-фани ютуқлари билан бирга, миллий қадриятлар руҳида тарбия топган етук кадрлар сув билан ҳаводек зарур”.

► Давоми 3-бетда

Пулқтаи назар

БАРҚАРОР ТУРИЗМ САРИ СТРАТЕГИК ҚАДАМ

Туризм соҳасининг Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотидagi улуши ҳар йили ошмоқда. 2024 йил охирида туризмнинг ЯИМдаги ҳиссаси 4,5 фоизга етди.

Бу соҳанинг келгусида янада тараққий этиши мавжуд айрим муаммоларни бартараф қилиш, жумладан, экологик туризмни табиий муҳитни асраб-авайлаш, маҳаллий жомоаларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва ўқув-таълим мақсадларини қамраб оладиган фаолият сифатида ривожлантириш билан боғлиқ. Бу эса Ўзбекистонда ички ва ташқи туризмни ривожлантиришнинг давлат стратегиясини ишлаб чиқиш, кўп

ҳолларда режалаштирилмаган, инфратузилмасиз, экологик ва маданий талабларга жавоб бермайдиган ҳолатларни бартараф этиш билан ҳам боғлиқ. Ушбу йўналишдаги айрим тартибсизликлар нафақат бозордаги нарх-наво барқарорлигида муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, глобал иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ сув танқислиги ушбу неъматнинг ҳар томчисидан мақсадли фойдаланишни тақозо этмоқда. Шу боис, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида табиий ресурслар, айниқса, сувдан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

► Давоми 4-бетда




ҚАҚРОҚ ЕРЛАРГА ҲАЁТ ҚАЙТДИ

СУРХОНДАРЁДА СУВНИ ТЕЖАШ ИШЛАРИ ИЗЧИЛ БАЖАРИЛМОҚДА

Халқимиз азалдан ҳар қарич ер, ҳар томчи сувдан унумли фойдаланган. Ер билан тиллашиб, сув ила сирлашган. Улардан унумли фойдаланишнинг ҳадисини олган ва дехқончилик, бозорчилик қилган. Замонавий дунёда бундай унумдорлик бозордаги нарх-наво барқарорлигида муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, глобал иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ сув танқислиги ушбу неъматнинг ҳар томчисидан мақсадли фойдаланишни тақозо этмоқда. Шу боис, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида табиий ресурслар, айниқса, сувдан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

► Давоми 2-бетда



САНОАТЛАШАЁТГАН ҚИШЛОҚЛАР

2



ЯНГИ ТАРТИБ АМАЛДА

4

СУРХОНДАРЁДА СУВНИ ТЕЖАШ ИШЛАРИ ИЗЧИЛ БАЖАРИЛМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз 12 август куни сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришга оид тақлифлар тақдироти билан танишар экан, сўғориш тармоқлари таъмирланиб, сув тежовчи технологиялар жорий қилинаётгани эътироф этилди. Қайд этилганидек, 2020-2024 йилларда шу мақсадларга 60 триллион сўм бюджет маблағлари ҳамда 622 миллион доллар хорижий инвестиция йўналтирилган. Натижада 2020 йилда сув тежовчи технологиялар қўлланган майдонлар жами сўғориладиган майдонларга нисбатан 4 фоизни ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб, бу кўрсаткич 50 фоизга етган.

Тақдиротда сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2025-2028 йилларга мўлжалланган дастурида назарда тутилган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот берилди.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга устувор аҳамият қаратилган ушбу дастурга мувофиқ, 2551 километр ирригация тармоқлари реконструкция қилинади. Сув таъминоти паст сўғориладиган майдонларни 424 минг гектардан 276 минг гектаргача камайтириш кўзда тутилган. Фойдаланишдан чиқиб кетган 460 минг гектар ер экишга қайтарилади. Яна 1 миллион 400 минг гектар ерда сув тежовчи технологиялар жорий этилади. Умуман, дастур натижасида бетон қопламали каналлар улуши ҳозирги 39 фоиздан 47 фоизга етади. Ирригация тармоқларининг сифати ошиб, йўқотишлар камаяди. Тежамкорлик ҳисобига

Маълумотларга кўра, вилоятда тупроқ ўзали 360 километр ички сўғориш тармоқларини бетонлаш орқали 200 миллион метр куб сув иқтисод қилинади. Бу қўшимча 30 минг 600 гектар майдонни сўғориш имконини беради. Давлатимиз раҳбари воҳа фаоллари билан учрашувда “Сув текин эмас” деган гоани аҳолига тушунтириш, тежамкорликни кундалик қоидага айлантириш вазифасини қўйганди. Бунда маҳалла, нурунийлар, зиёлилар ва кенг жамоатчилик фаоллик кўрсатиши айтилган. Шу билан масъуллаарга сувни тежайдиган юмушларни тез ва сифатли бажариш топшириги берилганди.

Бинобарин, бу борада вилоятда бажарилиши керак бўлган қатор вазифалар бор. Хусусан, Сурхондарёда 80 фоиз ер насос орқали сўғори-

тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида муайян ишлар бажарилмоқда. Хусусан, Сурхон воҳасининг 724 та маҳалласи туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳамда масъул ташкилотлар иштирокида ўрганилди. Қилинадиган ишлар ва сарфланадиган маблағ ҳисоб-китоб қилинди. Унга кўра, 77 та маҳалла фаровонлиги учун 292 миллиард сўм керак.

— Камбағал оилалар томорқасини сув билан таъминлашга 110,6 миллиард сўм йўналтирилди, — дейди “Сурхондарёсувқурилиш-инвест” ДМ бўлим бошлиғи Одил Исмаилов, — Бундан ташқари, бутун воҳа бўйлаб 8,5 миллиард сўм эвазига 26 дона насос ўрнатиш, 105 та артезиан қудуқ қазिश учун 32 миллиард сўм ажратилди. Шунингдек, 60 километр тармоқ тортиш, 32 километр лоток ўрнатиш,



Маълумотларга кўра, вилоятда тупроқ ўзали 360 километр ички сўғориш тармоқларини бетонлаш орқали 200 миллион метр куб сув иқтисод қилинади. Бу қўшимча 30 минг 600 гектар майдонни сўғориш имконини беради. Давлатимиз раҳбари воҳа фаоллари билан учрашувда “Сув текин эмас” деган гоани аҳолига тушунтириш, тежамкорликни кундалик қоидага айлантириш вазифасини қўйганди.

бу йил 10 миллиард куб метр, 2028 йилга бориб, 14 миллиард куб метр сув иқтисод қилиниши кутилмоқда.

Дарҳақиқат, бутунги мавжуд вазиятда сувдан янада самарали фойдаланиш, қишлоқ ҳўжалиги экинларини сўғоришда тежамкорликка эришиш жуда муҳим. Сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2025-2028 йилларга мўлжалланган дастури эса бу борада катта мақсадларга эришишимизга замин яратиши билан аҳамиятлидир. Айниқса, сув муаммоси нисбатан юқори Сурхон воҳаси учун ушбу дастурнинг аҳамияти бекиёс. Зеро, давлатимиз раҳбари ўтган йили 16-17 ноябрь кунлари Сурхондарё вилоятига таширифи давомида яқин 20 йилда Амударё ва Сирдарё оқими 15 фоиз камайтиши кутилётганини таъкидлаб, сув ҳўжалигини ислоҳ қилиш бўйича қатор чора-тадбирларни белгиллаб берган эди.

лади. Бироқ 52 та насоснинг хизмат муддати 40 йилдан ошган. Оқибатда сув таннарни 2 баробар қимматга тушади ва йилига 20 миллион киловатт-соат электр энергияси беҳуда кетади. 20 минг гектарда сув таъминоти ёмонлашган. Шунингдек, 1700 километр сўғориш тармоғининг яри тупроқ ўзали бўлгани учун 35 фоиз сув йўқотилапти.

Ангор туманидаги Новшаҳар маҳалласида илгари кластер ер майдонларига ва аҳоли шахсий томорқасига етарлича сув етиб бормас эди. Худуддаги Новшаҳар канали бетонлаштирилгач, узоқ йиллардан сўнг маҳаллага сув етиб келди. Вилоятда Новшаҳар каби яна 77 та маҳалла оғир тоифага киритилган. Ушбу маҳаллалар танаб олинишида камбағал оилалар яшайдиган худудларга урғу берилган. Шу асосда Президентимизнинг “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар

138 километр ариқни бетонлаш кўзда тутилган. Натижада 25 минг 208 та хонадон томорқаси сув билан таъминланади.

Ангор туманида ҳам оғир тоифадаги 5 та маҳаллада дастур доирасидаги ишларни бажариш учун 4 миллиард 672 миллион сўм йўналтирилди. Канал ва ирригация тармоқлари, сўғориш қудуғи ва насос агрегати ўрнатилади.

Музработ олдинлари вилоятдаги энг сувга эҳтиёжи юқори туманлардан эди. Аввал сув-сизлиқдан қовчираб қолган дов-дарактлар ва экинларни қафоллати сўғориш мақсадида тармоқлар бетонланди. Натижада жорий йил сув йўқотилиши анча қисқариб, камида 20 фоиз охиёаёт тежалди. Илгари сув етиб бориши қийин бўлган майдонларни сув билан таъминлашга эса имконияти яратилди.

Бандихон туманидаги Зевар, Обод юрт, Лимонзор ва Полвонтош маҳаллалари аҳолиси йиллар давомида томорқасини сўғоришга қийналиб келаётганди. Ҳозир бу худудларда ҳам ирригация тармоқларини бетонлаш ишлари поёнига етказилмоқда. Масалан, туман марказидан 40 километр қачирим олинса жойлашган Лимонзор маҳалласи чўл ва адирдан иборат. Худуддаги сўғориш тизимлари шу кунгача бирор марта ҳам бетонланмаган. Бугун бу ерда давлат бюджетидан ажратилган маблағ эвазига қурилиш ишлари авж олган.

Бандихонлик нуруний Ҳасан Абдумўминов ҳам томорқасида сархил мева-сабзавотлар етиштириб келади. Аммо даромади унча кўп эмасди. Чунки етарлича ҳосил олиш учун сув вақтида келиши керак. Нурунийнинг боига сув келадиган канал бетонланди.

— Экинни сўғоришдаги вазият яхши томонга ўзгарди. Бундан биздек богбонлар беҳад хурсанд. Маҳалладошларимнинг ҳечрасида шўкроналикни ҳис қилиш қийин эмас, — дейди меҳнат фахрийси Ҳасан Абдумўминов.

Давлатимиз раҳбарининг “Қишлоқ ҳўжалиги майдонларидаги қўшимча имкониятлардан фойдаланган ҳолда маҳсулот етиштиришни қўпайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори кучга киргач, экин майдонлари атрофи, яъни дала четига экин экиб, ердан самарали фойдаланиш анъанаси жонланди. Хусусан, Термиз туманидаги Қорахон маҳалласида ҳам қўшимча имкониятлар ишга тушириляпти. Худудда аҳолининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали даромадини оширишга эътибор берилляпти. Хусусан, “Бир худуд — бир маҳсулот” тамойили асосида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш кўлами кенгаймоқда. Бу нафақат аҳолига қўшимча даромад, балки озиқ-овқат хавфсизлиги ва ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлашда ҳам қўл келмоқда. Масалан, шу маҳаллада яшовчи Рустам Дўсановнинг 25 сотих томорқаси бор. У ҳар қарч ердан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

— Табиий ва тоза маҳсулотта талаб доим юқори бўлган. Бу инсон соғлиғи учун ўта муҳим. Маҳалладошимиз Рустам Дўсанов сингари тадбиркорларнинг томорқасида етиштириляётган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экспортёрлар кооперацияга йиғиб олади. Бунинг учун уларга барча қулайлик яратилган, — дейди Термиз тумани “Қорахон” МФИдаги ҳоким ёрдамчиси Искандар Қариев.

Жарқўрган туманида ҳам қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар, дала чети ҳамда каналлар, сўғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдондан унумли фойдаланиш чоралари қўриляпти. Жумладан, тумандаги “Абдурахмон” фермер ҳўжалигига тегишли 80 гектардан ортиқ дала четига мева-вали дарахт қўчалари ва қишлоқ ҳўжалиги экинлари парваришляпти.

— Давлатимиз раҳбарининг қароридида кўрсатилган вазифалар ижросини бажаришга жиддий эътибор қаратилмиз, — дейди Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги Жарқўрган тумани бўлими инспектори Сардорбек Бозоров. — Ходимларимиз танланган қўчалар ҳосилдор, касалликка чидамли бўлишини назоратта олган. Ҳозир худудда бу каби фитосанитар тадбирларни 5 нафар давлат инспектори бажаряпти.

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги мутахассислари фитосанитар тоза маҳсулотлар етиштиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўзида 600 та “Дала дафтери” ва “Дала қутиси” ташкил қилинган. Мутахассислар қишлоқ ҳўжалиги экин майдонларида 200 минг мартадан кўп мониторинг тадбири ўтказди.


Ер ва сув — бебаҳо неъмат ва ҳазина, қадрига етишимиз керак. Сурхондарё вилоятидаги бу каби эзгу ишлар худуднинг экспорт салоҳиятини ошириши баробарида воҳа иқтисодиётини юксалтириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш ҳамда турмуш даражасини янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сарвар ТўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“ЯНГИЛАНАЁТГАН ПАРКЕНТ” КИТОБИ НАШР ЭТИЛДИ

Давлатимиз раҳбари халқимиз манфаатлари, унинг фаровонлиги юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг асосий мақсад-муддаоси эканини алоҳида таъкидлаб келади. Ана шу эзгу гоё ўз тақдирини Ватан тақдирини билан уйғун қўриб, меҳнат қилаётган ҳар бир юрtdошимизнинг онғу шуурида устувор. Яқинда “Ўзбекистон” нашриётдада чоп этилган “Янгиланаётган Паркент” номли китобда ҳам аини шу жиҳатлар ўз ифодасини топган. Унда жонажон Ўзбекистонимизда кечаётган улкан янгиланиш ва ўзгаришлар мафтункор Паркент тумани мисолида самимий, гўзал бадийят билан тақдим этилган.

Ўзининг бетакрор табиати, хушҳавоси, танти ва меҳнаткаш инсонлари билан юртдошларимизнинг ҳайрат ва ҳавасини ўзига жалб этаётган Паркент туманида кейинги йилларда аҳолининг оғирини енгил, мушкулчини осон этадиган, одамларнинг турмушини яхшилайдиган, ҳаётдан рози бўлиб яшашга хизмат қиладиган янги режа ва дастурлар амалга оширилмоқда.



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 18 июнь куни мазкур туманга навбатдаги таширифи давомида Паркент кескин ижобий ўзгаришлар, ислохотлар даврига қадам қўйгани, бу мафтункор гўшани янада ривожлантириш учун янги куч ва имкониятлар сафарбар этилаётганига халқимиз гувоҳ бўлди.

“Янгиланаётган Паркент” номли тўпламда Президентимизнинг Паркент туманига таширифи чоғида билдирган фикрлари, масъуллар олдида қўйилган муҳим вазифалар “Паркентни энг гўзал ва обод гўшалардан бирига айлантирамиз” номли сарлавҳа билан тақдим этилган. Унда туманда замонавий турар жой мавзелари, ишлаб чиқариш корхоналари, сайёҳлик мажмуалари, ижтимоий объектлари барпо этишга оид лойиҳалар, Паркентнинг келажак қиёфаси қандай бўлиши ҳақида аниқ факт ва маълумотлар асосида билдирилган фикрлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Нафақат Паркент, балки юртимиздаги ушбу гўзал гўшага ўхшаш Зомин, Бахмал, Саросиё, Китоб ва бошқа туманларнинг имкониятларидан унумли фойдаланиш, шу орқали юртимизни янада обод, халқимиз ҳаётини фаровон этишга оид амалий тақлиф ва ташаббуслар китобхонларда катта таассурот қолдиради, албатта.

Китобда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдуманноп

Бўриёв, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, журналист Раҳматилла Шералиёв, туман ҳокими Сардор Исоқулов, Ўзбекистон халқ шоирлари Сирожиiddин Саййид, Маҳмуд Тоир, ижодкорлар Ғайрат Шералиёв ҳамда Тўхтамурод Ҳасанбоев, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Шарифа Салимова, “Гунча” журнали бош муҳаррири, моҳир журналист ва адабиа Дилфуза Шомаликова, Ўзбекистон Олов каби ижодкорларнинг Паркент ҳақидаги ҳам таҳлилий, ҳам самимий мақолалари, шеърлари билан танишиш мумкин.

Китобнинг “Шоирлар назмида янграган Паркент” бўлимида юртимизнинг ушбу сўлим гўшасига бағишланган шеърлар билан танишасиз. “Паркентлик ёшлар — Янги Ўзбекистон бунёдкорлари” номли бўлимда эса юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган паркентлик ёшлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Ранг-баранг фотосуратлар китобнинг янада жозибадор, ҳаётий бўлишини таъминлаган.

Бир сўз билан айтганда, “Янгиланаётган Паркент” китоби юртимизда кечаётган беқиёс янгиланишлар, халқимиз онғу тафаккурида рўй бераётган ўзгаришларни ўзида акс эттиргани билан диққатга сазовор.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири



Худудларда

Уй юмушлари билан андармон бўлиб юрган Дилобар остона ҳатлаб келган меҳмонларга пешвоз чиқди. “Келинлар”, дея сўрига кўрпача солиб, хол-ахвол сўради. Маҳалла фаоллари бу хонадонга бежиз келмаганди. “Ёйилма” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Дилобар Сулайманова ишсиз хотин-қизлардан. Фаоллар “Навбахор” маҳалла фуқаролар йиғинида ишга тушган янги корхонага ишчилар қабул қилинаётгани, ойлик маош, ишга бориб-келиш учун яратилган шароитлар хусусида маълумотлар беришди.

САНОАТЛАШАЁТГАН ҚИШЛОҚЛАР АҲОЛИ ТУРМУШИГА БАРАКА ОЛИБ КИРМОҚДА

Ёйилма қишлоғи Риштон тумани марказидан қарийб 30 қачирим олинса жойлашган. Аҳоли асосан богдорчилик, чорвачилик билан машғул. Саноат корхоналари деярли йўқлиги боис, ақсарият хотин-қизлар уйда ўтиришга мажбур бўлган. Энди бу ердаги иш тизими, ҳаёт тарзи ўзгарди, сабаби, олис қишлоққа ҳам саноат тармоқлари кириб келаётди. Жумладан, бир қатор хотин-қизлар, ёшлар “Навбахор” маҳалла фуқаролар йиғинида тадбиркор Бахтиёр Расулов ташаббуси билан асос солинган куллолик корхонасига ишга қабул қилинди.

— Маҳалламизга яқин худудда замонавий корхона ташкил этилгани аини мудида бўлди, — дейди дастдоҳларни маҳорат билан бошқараётган Дилобар. — Бу ерда ишлаётганларнинг асосий қисми шу пайтга қадар уйда ишсиз ўтирган хотин-қизлар,

ёшлардир. Ишчи-хизматчилар учун алоҳида шарт-шароитлар яратиб берилган. Ойлик маошларимизни ўз вақтида олаётимиз, текин тушлик, узокдан келиб ишловчилар учун махсус транспорт ажратилган. Энди кўпнинг қорига бакор келялман, даромад топиб, оиланинг кам-қўстига ёрдам-лаятлман. Буни бизга берилган имконият, имтиёзларнинг амалий самараси деб биламан.

Риштон туманида чинни ва керамика маҳсулотлари ишлаб чиқариш асосий драйвер йўналишидир. Бугун туманда чинни ва керамика маҳсулот ишлаб чиқарувчи 84 та корхона ташкил этилди. “Навбахор” кичик саноат зонасида 29 та шундай корхона ҳамда 130 нафар якка тартибдаги тадбиркор фаолият кўрсатмоқда. Улардаги доимий иш ўринлари сони мингдан зиёд. Бу ерда қурилиш ва саноат материаллари

билан бирга, асосан, ярим тайёр чинни буюмлар сёржиланмоқда.

Тайёр сержилмо чинни ва куллолик маҳсулотлари ички бозордан ташқари Озарбайжон, Россия, Буюк Британия, Жанубий Корея, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистонга экспорт қилинмоқда.

“Тўда” маҳалла фуқаролар йиғинида очилган куллолик кичик саноат зонасида 20 дан ортиқ тадбиркор фаолият юритади. Улар ҳар йили 50-60 миллиард сўмлик маҳсулот экспорт қиладу. Бу ерда “Кўркам чиннилари” оилавий корхонаси томонидан қиймати 1,5 миллиард сўм бўлган инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Натижада 20 та доимий, касаначилик асосида эса 40 дан зиёд иш ўрни яратилди.

— Ярим тайёр чинни идишларга безак ва сир бериш, гул солиш, тайёр маҳсулотларни қадоқлаш билан шуғулланамиз, —



дейди цех ишчиси Умидахон Акбарова. — Йилнинг тўрт фаслида ҳам иш тўхтамайди. Бажарган ишимизга қараб ҳар кунни 150-200 минг сўм даромад топялмиз.

Қўли қўлига тегмай, мароқ билан ишлаётган аёллар, дастдоҳларини моҳирлик билан бошқараётган ёшларнинг юз-кўзларида ҳаётдан мамнунлик, ўз касбидан фахр туйғулари сезилиб турибди.

— Уч йилдан бери шу корхонада ишлаб кам бўлганим йўқ, — дейди Билилдин Қосимов. — Қўлай шароит, етарли даромад, асосийси, севимли машғулот кишига завқ беради. Хорижга бориб ишлашга хожаз йўқ. Муҳими, яқинларим олдиди ўз меҳнатим билан юртимиз, халқимиз қорига яраётганимдан фахрланаман.

— Бадиий куллолик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш йиллик

ҳажми 1,5-2 миллион долларни ташкил қиладу, — дейди республика “Хунарманд” уюшмаси Риштон тумани бўлими бошлиғи Бунёдбек Юнусов. — Бу кўрсаткични ошириш мақсадида янги лойиҳалар ишлаб чиққанмиз. Яқин келажакда замонавий меҳмонхона ва хостеллар, дам олиш ва хизмат кўрсатиш, соғломлаштириш объектлари қурилади, йўллар тўлиқ асфальтланади. Бозордаги рақобат кучли. Шу боис, куллолар ишини енгиллаштириш, замонавий технологиялар олиб келиш, инновацион хомашёдан фойдаланиш, маҳсулот сифатини кўтариб, таннархини пасайтириш бўйича қатор ишларни режалаштирганмиз.

“Учарик” маҳалла фуқаролар йиғинида тадбиркор Иқболжон Исроилов ташкил этган “Asia Star” хусусий корхонаси итқиболли лойиҳалар сирасига қиради.

Асосан, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун керакли ускуна ва жиҳозлар, уларнинг эҳтиёт қисмлари тайёрлаб беришга ихтисослашган корхонада иш жараёни бир зум бўлса-да тўхтамайди. Бу ерда ун қорих мосламасидан тортиб, гишт қолипловчи дастдох, кўмир брикет чиқарувчи ускуна, иситиш қозонларига таёрлаш йўлга қўйилган.

— Бу турдаги ускуналарнинг асосий қисми авваллари четдан олиб келинган, — дейди корхона раҳбари Иқболжон Исроилов. — Энди бунга ҳожаз қолмади. Биз нафақат ишлаб чиқариш, балки таъмирлаш, буюртмалар асосида жиҳозлар тайёрлаб бериш, техник хизмат кўрсатиш билан ҳам шуғулланамиз. Ўн йиллар аввал хориждаги шундай корхонада ишлаганман. Кейин шу ишлаб чиқариш линиясини ўз қишлоғимда йўлга қўйсам, ускуналарни ўзимиз тайёрласак бўлмайди деган савол қийнай бошлади. Ўқиб-ўрганиб, қатъий қарорга келгач, дастлаб ўша вақтларда унча оммалашмаган газоблок ишлаб чиқариш учун жиҳозлар ясадим ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришини бошладим. Энди саноат ва қурилиш тармоқлари учун керакли 30 турдан ортиқ жиҳозлар ишлаб чиқарилмиз.

Шунингдек, жараёнда янги гоьлар, инновацион лойиҳалар устида изланишлар қилинмоқда. Жумладан, полистиролдан гишт ва блоklar ишлаб чиқаришга мўлжалланган станоклар, ёғоч қириндиси, шולי тўпони ва гўзапоядан печкалар учун арзон ёқилғи ишлаб чиқариш йўналишида янги ишланмалар устида ишляняпти.

Сирасини айтганда, қишлоққа саноатни олиб кириш борасидаги ҳаётбахш ислохотлар кўлами кундан кунга кенгайиб бораётгани олис ва яқин маҳаллалардаги одамлар ҳаёт тарзини ўзгартириш, фаровонлигини ошириш имкониятини бермоқда.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Кун мавзуси

ЯНГИ ТАРТИБ АМАЛДА

ЧИҚИНДИ ХИЗМАТИДАН ҚАРЗДОРЛАРНИНГ ҲАММАСИГА ҲАМ ЭЛЕКТР ТЎЛОВИДА ЧЕКЛОВ ЎРНАТИЛМАЙДИ

Шу кунларда ижтимоий тармоқларда “Энди чиқиндидан қарзи бор хонадонлар электр тармоқларидан узилади” мазмунидagi хабарлар тарқалиб, кенг муҳокама­ларга сабаб бўлмоқда. Бу жорий йилнинг 1 августидан бошлаб мамлакатимизда кучга кирган янги тартиб — чиқинди хизматларидан қарздорлиги бор аҳолининг электр энергияси учун тўловларига вақтинча чеклов қўйилиши билан боғлиқ.

Яъни чиқинди учун тўловлар бе­восита электр энергияси тўловлари билан боғланипти. Бундай тажриба юртимиз амалиётида янгилик бўлгани боис, аҳоли орасида тушуновчилик ва норозиликни келтириб чиқармоқда. Гап фақат тўловлардан қочиш ёки чиқинди хизматлари муҳим ҳисобланмаётганида эмас, шунчаки янги тартиб қандай ишлаши, кимларга амал қилиши, қандай афзалликларга эга экани борасида кўпчилигимизда ҳали тасаввур мавжуд эмас. Шу боис, аҳоли орасида буни жазо­ловчи чора сифатида баҳолаб, мақсад фақат чиқинди тўловларидан қарздорликларни бартараф эт­тишга қаратилган деб ҳисоблаётганлар ҳам бор.

— Янги тартиб аҳоли учун жазо­ловчи чора эмас, аксинча, фуқароларга кўрсатиладиган санитар тозалаш хизматлари си­фатини оширишга қаратилган, — дейди Экология вазирлиги ҳузуридаги Чикиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги бош мутахассиси Умиджон Камолов. — Масалан, чиқинди ташиш хизмати йўналишида шу вақтга қадар эскича тизимда ишланган. Махсус машиналар маҳаллалардаги чиқиндиларни олиб чиқиб кетса ҳам эки хизмат кўрсатилмаса ҳам аҳоли жон бо­шига тўлов ҳисобланаверган. Шунинг учун кўп одамлар кўрсатилмаган хизматга тўлов қилишдан норози бўладилар. Энди бу тартиб ўзгариб, тўлов фақат хизмат кўрсатиш сонига қараб амалга оширилади. Бунинг учун чиқинди ташиш техника воситаларига GPS кузатув тизими ўрнати­либ, “Тоза макон” дастури орқали доимий назорат қилиб борилади. Аҳолининг тўлов тартибига ўзгартириш киритилиб, электр таъминоти билан интеграция қилинаёт­гани ҳам янги­ланган механизмнинг бир қисми. Мақсад мазкур йўналишда тўлов­ни ҳам, хизмат кўрсатиш сифати ва сонини ҳам оширишга қаратилган.

Кимларга амал қилади?

Мутахассиснинг тушунтиришича, тар­тибга кўра, аҳолининг чиқиндидан қарз­дорлиги мавжуд бўлганда электр тармоғи­дан узи­лмайди, балки ток учун тўловларга

5-санасигача “Худудий электр тармоқла­ри” АЖнинг 2100 қисқа рақами орқали қарздорлиги бўйича SMS хабарнома юбо­рилади. Шундан сўнг абонентга қарздор­ликни бартараф этиш учун 5 кун қўшимча муддат берилади.

Ушбу муддат ичида қарздорлик бар­тараф этилмаса, абонентнинг электр энергияси учун тўлов қилиш имконияти вақтинча чекланади. Тўлов қилиниб, қарз­дорлик бартараф этилганидан кейин эса чеклов автоматик тарзда ечилади. Мат­лум қилинишича, янги тартиб фақат жо­рий йилнинг 1 июлидан бошлаб чиқинди тўловлари бўйича юзага келган қарздор­ликларга амал қилади. Бу давргача бўлган қарздорликлар учун эса татбиқ этилмай­ди. Яъни шу йилнинг 30 июнигача бўлган қарздорликлар аввалгидек тегишли тар­тибда суд орқали ундирилади.

Бугунги кунда мамлакатимиз бўйлаб 8289 га яқин маҳалладаги 7 миллиондан зиёд аҳолига чиқинди ташиш хизмати кўрсатилади. Юртимизда 1 августдан куч­га кирган янги тартиб ушбу абонентлар­нинг барчасига татбиқ этилмайди. Яъни чиқинди хизматларидан қарздорлиги бор абонентларга электр энергияси учун тўловларни чеклаш тартиби фақат “Тоза макон” ягона электрон биллинг тизими­да идентификациядан ўтказилган ҳамда



QR-КОД ОРҚАЛИ ВИДЕОГА ЎТИНГ!

ҳам сир эмас. Гўё маҳалла ҳудудини чиқиндилардан тозалашнинг бизга дахли йўқдек туюлади. Бошқа томондан, ўзимиз истикомат қиладиган жойнинг доим озода, саранжом-саришта туришини истаб, буни масъуллардан талаб қилишни яхши уdda­лаймиз.

Маълумотларга кўра, бугунги кун­да мамлакатимиз бўйлаб чиқинди хиз­матлари учун аҳолининг 600 миллиард сўмдан ор­тиқ қарздорлиги мавжуд. Шу каби муаммолар ҳам тўлов тизими­да янги ва замонавий тартибни жорий этиш заруратини юзага келтирганди. Мазкур тартибнинг йўлга қўйилиши орқали аҳолига кўрсатилаётган чиқин­ди хизматлари сифати, қамров дара­жасини ошириш, чекка ҳудудларгача санитар тозалаш хизмати билан қамраб олиш мақсадлари ётибди.

Бу тушунарли. Аммо чиқинди тўлов­лари нега айнан электр энергияси билан боғланаётгани ҳам кўпчиликини қизиқтир­моқда.

— Янги тартибни жорий этишдан олдин хориж давлатлари тажрибаси ўр­ганиди, — дейди Чиқиндиларни бошқа­риш агентлиги бош мутахассиси Умиджон Камолов. — Кўп мамлакатларда чиқинди хизматларида аниқ ўлчов бирлиги йўқлиги сабаб тўловлар фуқаро сонига нисбатан ҳи­собланади. Бироқ баъзи давлатларда бош­қачароқ тизим амал қилади. Яъни чиқинди тўловлари ер солигига, айримларида эса сув ёки табиий газ тўловларига боғланган. Ўрганишлардан сўнг Ўзбекистон учун энг мақбул ечим сифатида электр энергиясига интеграция қилиш тартиби танланди. Бои­си, юртимизнинг 96 фозидан ор­тиқ ҳудуди электр энергияси билан қамраб олинган

махсус техника воситалари GPS ускуна­лари билан таъминланган ҳолда тўловларни ҳисоблаш йўлга қўйилган ҳудудлардагина амал қилади.

— Биринчи босқичда юртимиздаги 1500 дан ор­тиқ маҳалла GPS кузатув ти­зими билан интеграция қилиниб, йўна­лиш жадваллари белгиланди, — дейди Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Нуқтаи назар

БАРҚАРОР ТУРИЗМ САРИ СТРАТЕГИК ҚАДАМ



Комилжон ТОЖИБОВЕВ, ФА Ботаника институти директори, биология фанлари доктори, академиги

Бошланиши 1-бетда

Шу нуқтаи назардан, “Sea Breeze Uzbekistan” лойиҳаси ўта долзарб ва ўз вақтидаги ташаббусдир. Лойиҳа нафақат ҳу­дудда замонавий инфратузилма яратилиши­ни, балки табиий соғлом муҳитни муҳофа­за қилиш, экологик туризмни ривожлантириш ва жамоатчиликни жалб қилишни кўзда тутди. Лойиҳа Ўзбекистондаги энг йи­рик курорт комплексларидан бири бўлиши кутуляпти, унга иқтисодий жиҳатдан катта умидлар боғланмоқда.

Айни пайтда лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ жараён атроф-муҳитга салбий таъсир этмаслигини назорат қилиш муҳим аҳамиятга эга. Лойиҳа доирасидаги бунёд­корлик ишлари давомида барча мавжуд экологик стандартларга риоя қилиш орқали соҳага қатор ижобий янгиликлар кириб ке­лиши мумкин. Сувни тежаш, энергиядан са­марали фойдаланиш ва чиқиндиларни қайта ишлаш каби йўналишларда экологик барқа­рорликни таъминлаш, коммуникациялар ва йўллар қурилиши маҳаллий аҳоли учун ҳам қўлайлик яратилиши ва айни пайтда Чорвоқ сув омбори атрофидаги санитария ҳо­латини яхшилаш, атроф-муҳитга зарар ет­казишнинг олдини олиш, маҳаллий биологик хилма-хилликдан фақат фойдаланиш эмас, аксинча, уни экиш, кўпайтириш, табиий ландшафтларни яратиш ва намойиш қилиш орқали минтақада экологик маданиятни ошириш кабилар шулар жумласидандир.



“Sea Breeze Uzbekistan” лойиҳаси режа­лаштирилаётган ҳудуд Ғарбий Тяньшанда бешта улкан — Қорқонтоғ, Угом, Писком, Кўқсув ва Чотқол тоғ тизмалари бир-бири билан туташадиган, минтақадаги умта йи­рик дарё қўшаладиган Чорвоқ сув омбори атрофидир. Табиийки, бу жой бой маҳаллий флорага эга, айнан шу минтақа учун хос бўлган эндемик ўсимликлар хилма-хиллиги билан алоҳида ажралиб турадиган ҳудуддир. Бу каби йирик лойиҳа маҳаллий ўсимликлар хилма-хиллиги, шу жумладан, халқаро ва Ўзбекистон “Қизил китоб”ига киритилган тур популяцияларига салбий таъсир кўрсат­майди деган ҳақли савол туғилади. Шу нуқтаи назардан, “Sea Breeze Uzbekistan” лойиҳаси ҳозирги кунда бошқарилмайдиган экотуризм, яъни шунчаки тоғли ҳудудда дам олиш орқали атроф-муҳитга, аynиқса, камёб ўсимлик турларининг табиий популя­ция­ларига билиб-билмай етказилаётган салбий таъсирнинг олдини олиш имконини бериши мумкин.

Чорвоқ сув омбори атрофида мавжуд да­рахтларни сақлаб қолишда ваколатли давлат ташкилотларининг назорати алоҳида аҳа­ми­ятга эга. Мавжуд дароҳт турларини қим­матбаҳо, кам қимматли ва но­бўб бўлган тои­фаларга ажратган ҳолда умуммавсумий дам олиш мажмуасини барпо этиш лойиҳасига асосан ташкил этилаётган яшил зоналарга ёки ўрмон фондининг бошқа ерларига кўчи­риш, лозим ўринларда ҳар бир дароҳт түпи

учун ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитларига мос келадиган 5-7 йиллик дароҳт кўчат­лари­ни компенсация тариқасида экиш Вазирлар Маҳкамасининг лойиҳага доир тегишли қар­орин билан белгилаб берилган.

Шу ўринда ушбу лойиҳа ва Вазирлар Маҳкамаси қарориди кўзда тутилмаган, лекин қурилиш ишлари амалга оширила­диган ва унга ёндош ҳудудлардаги камёб ва муҳофазага муҳтож турларни сақлаб қо­лиш, экологик таълим-тарбия ро­лини янада ошириш, маҳаллий аҳоли ва хорижий сай­ёҳларда Ўзбекистон биологик хилма-хил­лиги борасидаги билимларни илмий асосда оммалаштириш, тарғиб этишга хизмат қи­ладиган айрим тақлифларни билдириш ўринли деб ҳисоблаймиз.

Жумладан, “Sea Breeze Uzbekistan” лойиҳаси учун ажратилган ҳудудда Ғар­бий Тяньшан флорасидаги эндем, камёб ва муҳофазага муҳтож турларнинг тирик коллекциясини мутахассислар иштироки­да яратиш ва ундан экологик билимларни шакллантиришдаги ўзига хос платформа сифатида фойдаланиш бу борада билдири­лиши мумкин бўлган тақлифлар орасида асосий ўрин тутди. Табиийки, бу коллек­циянинг асосини табиий флорада муҳим ўрин тутадиган Ғарбий Тяньшан флора­си­даги лолалар, пиёз, ширач, гулсафол тур­лари, маҳаллий флорадан Ўзбекистон “Қизил китоб”ига киритилган ва айни пайт­да табиий популяциялари чекланган ўсим­лик турлари ташкил этади.

Бу каби илмий фаолият тури мавжуд ён­дашувларга кўра, махсус питомникларда, ундан ҳам кўпроқ ботаника боғларида амал­га оширилмоқда. Умумавсумий дам олиш мажмуаси барпо этилганидан сўнг ташриф буюриши кутулаётган маҳаллий ва хорижий сайёҳлар кўла­ми­дан келиб чиққан ҳолда бу каби ноёб ўсимликларнинг табиий шароит­ларига ўта яқин ҳудудларда тирик коллек­циялар яратилиши ва намойиш қилиниши катта ижтимоий аҳамият касб этади. Ушбу тоифага кирувчи ўсимликларни асраш ва уларни илмий асосда намойиш этиш хавф остидаги ўсимлик турларини хос табиий муҳитда муҳофаза қилишнинг энг самарали усули ҳисобланади. Илмий жиҳатдан айтган­да, мазкур тақлиф Ўзбекистонда муқобилига эга бўлмаган ва айни пайтда камёб турларни табиий муҳитда (in-situ) муҳофаза қилиш билан ботаника боғлари, махсус питомниклар (ex-situ) шароитларида еттиштиришнинг уйғунлашган кўриниши бўлади. Бу эса, ўз

навбатига, кенг миқёсдаги таълим ва эко­логик тарбия учун катта имкониятлар яратди.

Мутахассис олимлар билан ҳамкорлик­да яратилиши мумкин бўлган ушбу плат­форма ўқув-тарғибот майдони сифатида фойдаланилиб, боғча ва мактаб ёшидаги болалар, олий ўқув юртлари талабалари, маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун эко­логик экскурсиялар, ҳар бир ноёб ўсимлик тури ҳақида маълумот берувчи интерак­тив стендлар, QR-кодли маълумотлар эса қимматли билим манбаи бўлади. Тақлиф­нинг муваффақиятли амалга ошиши эко­логик онгини шакллантириш ва ёш авлодин табиғатга ҳурмат муносабатига тарбиялаш­нинг муҳим воситаси бўлишига ишона­миз. Маҳаллий флорада инсон эътиборига муҳтож ноёб ўсимлик турларини муҳофа­за қилиш, уни сақлаб қолиш хорижий флора­ларга мансуб ўсимликлар, масалан, ажаб­тоғур ва қимматбаҳо пальмаларни экишдан кўпроқ самара беради.

Умуман олганда, “Sea Breeze Uzbekistan” лойиҳаси шунчаки бизнес ташаббус эмас, балки Ўзбекистонда туризмни барқарор, экологик ва жамиятбоп асосларда ривожлан­тиришга қаратилган улкан қадамдир. Бу каби лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қув­ватлаш, экологик стандартларга риоя қили­нишини қатъий назоратга олиш, муҳандис­лар, экологлар, биологлар ва маҳаллий аҳоли билан ҳамкорликда амалга ошириш мамла­катимиз учун стратегик аҳамиятга эга.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ

ЯҚИН ИСТИҚБОЛДА ҚАНДАЙ САЛОҲИЯТ КАСБ ЭТАДИ?

Сўнгги йилларда мамлакатимизда илм-фанга бўлган эътибор бутунлай янги босқичга кўтарилди. Бунинг самараси шунчаки оддий рақамларда эмас, тизимли ва мақсадли ислохотларда, аниқ стратегия ва амалий қадамлар орқали амалга оширилаётган кенг қамровли жараёнда яққол кўзга ташланипти. Илмий муассасалар замонавий лаборатория ва ускуналар билан жиҳозланмоқда, фундаментал ҳамда амалий тадқиқотлар учун ажратилаётган грантлар сони ва сифати ортиб бормоқда.

Ёш олимларни қўллаб-қувватлаш масаласи алоҳида эътибор марказида — улар учун махсус стипендиялар, илмий танловлар, хорижий стажировкалар йўлга қўйилган. Энг муҳим жиҳатлардан яна бири — илмий тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш учун технопарклар ва инновацион инкубатор марказлари ташкил этилаётганидир. Бу эса илмни ҳаётга, билимни иқтисодиётга уйғунлаштиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Қисқача айтганда, илм-фанны стратегик ресурс сифатида қабул қилиш, уни миллий тараққиётнинг пойдевори деб билиш бугунги давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти, профессор Сирожиiddин МИРЗАЕВ билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.

— Бугунги ўзгаришлар шунчалик кенг қамровлики, уларни оддий ислохот деб аташ камлик қилади. Бу — янги уйғониш, янги ривожланиш даври. Мазкур жараёнда жамиятнинг фақат иқтисодий ёки сиёсий эмас, руҳий ва ақлий камолоти ҳам устувор аҳамият касб этгпти. Эврилишлар силсиласида зиели инсоннинг, айниқса, олимларнинг ўрни қандай бўлиши керак деб ўйлайсиз?

— Олимлар ҳамма вақт жамиятнинг фикр юритиши, дунёқараши ва келажак сари интилишида асосий куч бўлиб хизмат қилиб келган ва шундай бўлиб қолади. Айни ҳозирги бурилиш даврида ҳам илм аҳли фақат кузатувчи эмас, балки фаол иштирокчи, илмий йўлбошчи ва маънавий раҳнамога айланиши керак. Биз учун бу фақат вазифа эмас, ватан олдидаги масъулият, авлодлар олдидаги қарзидир. Шу маънода, янги давр, янгилиниш жараёнида илм-фан ва олимларнинг ўрни бекиёс. Чунки айнан олимлар турли соҳалар тараққиёти учун хал қилувчи аҳамиятга эга бўлган масалаларга ечим топиши, бунинг энг самарали ва амалий йўлларини илмий асосда ишлаб чиқиши лозим. Бу, шубҳасиз, улкан масъулиятни талаб этади.

Аслида, илм-фаннынг чегараси йўқ, Олиб борилаётган ҳар бир илмий тадқиқот натижалари келажакда куттилмаган соҳаларда муҳим муаммоларни ҳал этишга хизмат қилиши мумкин. Бугунги кунда амалга оширилаётган фундаментал илмий тадқиқотларнинг ҳақиқий самараси, эҳтимоли, 50-60 йилдан сўнг кўринади. Бу табиий ҳол. Масалан, ярим ўтказгичлар физикасидаги кашфиётлар ўтган асрнинг ўрталарида амалга оширилган бўлса-да, улар асосида яратилган электрон қўрилмалар, компьютерлар ва замонавий қадриятлар ҳаётимизга анча кейин кириб келди. Фундаментал фанга асосланган кашфиётлар амалиётга тўғридан тўғри жорий этилмайди. Бу жараён узок вақт ва кўп босқичли тадқиқотларни талаб этади. Илмий гоълар дастлаб назарий жиҳатдан асосланади, сўнг турли тажрибалар орқали синаб қўрилади, кейин эса технологияга айланиб, ишлаб чиқаришга татбиқ этилади. Шундан сўнггина уларнинг жамият ҳаётидаги таъсири сезили бошлайди. Шу нуктага назардан, Ўзбекистон Фанлар академияси Материал-шунослик институтини олимлари томонидан яратилган нано-композит заррачалар дунёдаги инновацион ютуқлардан бири сифатида алоҳида эътирофга лойиқ. Бу заррачалар ҳароратни мўътадиллаштириш вазифасини бажарадиган махсус иссиқхона плёнкалари таркибига қўйилади ва бир вақтнинг ўзига бир нечта вазифани амалга оширади. Хусусан, плёнка ташқи ҳаво ҳарорати -7 °C бўлган шароитда ҳам ички ҳароратни +5-7 °C даражада ушлаб туради. Иссиқ кунларда эса бу кўрсаткични 5-8 °Cга пасайтиради. Натижада энергетика-муҳимлик 60 фоизгача ошадди, фотосинтез жараёни фаоллашадди, ўсимликларнинг ўсиш суръати 1,5-2 баробарга ортиб, ҳосилдорлик 50 фоизгача кўпайди. Шу билан бирга, сув сарфи 30 фоиздан 90 фоизгача камайди, плёнканинг мустаҳкамлиги эса оддий турларга нисбатан 3 баробар юқори. Бу технология амалиётда синовдан муваффақиятли ўтказилди.

Шунингдек, Шанхай қишлоқ хўжалиги академияси билан Хитойнинг турли тупроқ-иқлим шароитида кенг қўламли синовлар олиб борилади. Улар билан институт яқинида плёнка ишлаб чиқарувчи кичик заводни ишга туширмоқчимиз. Ушбу илмий ишланмани тижоратлаштириш бўйича 2025 йилда



1 тонна, 2026 йилда 10 тонна нано-композит заррачаларни ишлаб чиқариш режалаштирилган. Келажакда йиллик ҳажми 2000 тоннагача етказилади. Бу илмнинг фақат назарий эмас, балки амалий ва иқтисодий кучга айланаётганининг яққол исботидир. Бугунги илмий изланишларимиз нафақат фан тараққиёти, балки қишлоқ хўжалиги, энергетика ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби ҳаётий соҳаларда ҳам ўзининг аниқ натижасини бермоқда.

Шу маънода, илм-фанга киритилаётган ҳар қандай сармоя — эртанги технологик тараққиёт, миллий хавфсизлик ва иқтисодий мустақиллиكنинг мустаҳкам қаролатидир. Илмий изланишлар фақат бугун эмас, балки келажакда пайдо бўлиши мумкин бўлган, ҳозирча тасаввурга сиймайдиган муаммолар учун ҳам тайёр ечимлар пойдеворидир. Чунки илм-фан шундай. У кўп ҳолларда олдиндан аниқ натижани ваъда қилмайди, аммо янги имкониятлар эшигини очади. Илм эртанги инсоният ҳаётидаги сифат ўзгаришларининг ҳам асосидир. Мисол учун, бир неча ўн йиллар муқаддам илк бор намойиш этилган 3D принтерлар ўйинчоқдек кўринишга эга эди. Ушбу қўрилмалар аввалига фақат қоғозда шакллар ва ёзувлар чиза олиш билан чекланган. Аммо вақт ўтиши билан бу технология ривожланиб, ҳозирги кунда архитектура ва қурилиш соҳаларида бевосита бино ва иншоотлар барпо этиш имконини бермоқда. Шунингдек, тиббиётда инсон органларини қайта яратиш имконини берувчи биопринтерлар ҳам яратилгпти. Бу эса яқин келажакда трансплантация соҳасида инқилоб ясаши мумкин. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу технологиялар асосидаги фундаментал илмий гоълар ва кашфиётлар ўтган асрдаёқ яратилган, аммо уларни амалиётга жорий этиш учун катта вақт, изланиш, тажриба ва техник тараққиёт талаб қилинган. Ҳозир биз гувоҳи бўлаётган қатор илгор технологиялар — ўтмишдаги “қўримас” илмий тадқиқотлар самарасидир. Демак, бугун фан олимпиади қилинаётган ҳар бир изланиш эртанги куннинг инқилобий ўзгаришига айланиши мумкин.

— Ўрта мактаб дарсликларида ядро физикаси ҳақида илк маълумотлар берилган. Кўпчилик бу ҳақда дастлабки тасаввурга эга бўлса-да, унинг орқасида қандай имкониятлар ётгани, қандай янги натижалар олинаётгани ҳақида билмайди. Бугун шу йўналишда олиб борилаётган изланишлар илм-фан ривожига қандай ҳисса қўяпти?

— Институт Марказий Осиё давлатларида ягона бўлган тадқиқот реактори ҳисобланади. Институтда олинаётган янги-янги изотоплар ядро тиббиётида катта аҳамиятга эга. Биз уларни турли касалликларни олдиндан аниқлаш имкониятини берувчи “маркер”лар деймиз.

Ядро физикаси кеча инсоният учун ҳалокат келтирувчи қуроллар билан боғлиқ бўлган бўлса, бугун у инсон ҳаётини сақлаб қолиш, оғир хасталикларни баврақт аниқлаш ва даволашда ўрнини босиб бўлмайдиган шифобахш технологияга айланди. Сўнгги ўн йилликлар инсон ҳаётининг сифати ва давомийлиги билан бевосита боғлиқ бўлган соҳалар, айниқса, тиббиётда ядро физикаси ва бошқа илмий интегсив технологиялар жадал татбиқ этилиши ва бу орқали мутлақо янги йўналишлар шаклланишини кўрсатмоқда. Шўнинг натижасида ядро тиббиёти

фаннинг энг истиқболли ва инсон ҳаёти учун аҳамиятли соҳаларидан бири сифатида тан олинмоқда.

Ядро тиббиёти усулларининг ўзига хослиги шундаки, улар инсон аъзоларидаги ҳаётий фаолиятдаги функционал ўзгаришларни касаллиكنинг дастлабки, ҳали симптомлар намоён бўлмаган босқичида аниқлаш имконини беради. Бу эса эрта ташхис ва самарали даволаш имкониятларини оширади.

Ўзбекистонда ядро тиббиёти ва изотоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳаси узок йиллик илмий мактаб ва амалиётга эга. Фанлар академияси Ядро физикаси институти ҳали 1970 йилларданок ушбу йўналишда илк қадамларни ташлаган. 1976 йилда эса “Радиопрепарат” корхонаси негизида радиофармпрепаратлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бу дунёда “ядро тиббиёти” тушунчаси ҳали кенг тарқалмаган, бирмунча шубҳа билан қаралган давр эди. Шу жиҳатдан, Ўзбекистонни бу соҳада илгор давлатлардан бири деб айтиш мумкин.

Изотоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришда мамлакатимиз халқро бозорда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Масалан, онкологик касалликларни даволашда қўлланиладиган йод-125 изотопининг жаҳон миқёсидаги фойдаланиладиган умумисал радиоизотоп генератори илк бор 1978 йилда ядро физикаси институтида олинган.

Айни пайтда Фанлар академияси тизимида ишлаб чиқарилаётган изотоп маҳсулотларининг 90 фоиздан ортиғи экспорт қилинади ва бугунги кунда АҚШ, Германия, Буюк Британия, Венгрия, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Канада, Бирлашган Араб Амирлиги ва бошқа давлатларга етказиб берилгпти. Бу экспортдан йилга ўртача 4 миллион АҚШ доллари миқдорига даромад келмоқда. Ядро физикаси институти шу орқали дунёдаги радиофармацевтик препаратлар ишлаб чиқарувчи 10 та йирик марказ қаторига қиради.

Сўнгги йилларда тегишли изотоп асосида тайёрланган дори воситалари орқали сува метастазлари ва оғриқли ўсмаларни даволаш амалиёти кенг қўлланоқда. Шундай препарат Франция ва Германияда 2500-2700 евро атрофида сотилаётган бўлса, Ўзбекистон клиникаларига 59 евро ҳисобида маҳаллий ишлаб чиқарилган ҳолда тақдим этилмоқда. Ҳозирги кунда простата бези саратонини даволашда кенг қўлланиб келинаётган ва дунёда катта талабга эга бўлган лютеций-177 ПСМА-617 препарати ҳам энг аран нархларда етказиб берилмоқда. Бу юртимиздаги беморлар учун фақат тиббий эмас, балки ижтимоий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга.

Янги изотопларни олиш борасида изланишлар бир нуктада тўхтаб қолгани йўқ. Ҳозир институтта изотопларнинг тури ва сифатини янада кенгайтириш мақсадида 10 миллион АҚШ доллари миқдорига инвестиция жалб қилинмоқда. Бу орқали изотопларнинг турини кенгайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда халқро бозорда рақобатбардор маҳсулотлар тақлиф этиш имконияти яратилади.

— Тараққиётга хизмат қилаётган қандай муҳим илмий ва амалий изланишлар, тадқиқотлар олиб боришмоқда?

— Сўнгги йилларда мамлакатимизда сейсмик хавфсизлики таъминлаш масаласи маълум. Президентимиз ташаббуси билан соҳадаги ишлар изчил ва тизимли равишда йўлга қўйилмоқда. Энг муҳими, сейсмик хавфсизлик масаласи илк бор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бундай жараёнда



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги илмий-тадқиқот муассасалари муҳим илмий ва амалий вазифаларни бажармоқда. Жумладан, Ф.О. Мавлонов номидаги Сейсмология институти томонидан зилзила хавфини аниқлаш, сейсмик районлаштириш ва прогноزلаш бўйича амалий тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Институт олимлари ер қатламнинг тебраниш тезлиги ва амплитуда-сезгирлик параметрларини аниқлаш асосида янги авлод сейсмик хавф хариталарини ишлаб чиқарувчи 30 дан ортик микрохуудлаштириш хариталари тайёрланди. Ушбу хариталар ҳудуднинг геологик тузилиши, сейсмик тебраниш эҳтимоли ва эҳтимолий талафотлар даражасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, шаҳарсозлик, қурилиш ва лойиҳалаш жараёндарида муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон сейсмик фаол ҳудудда жойлашган давлат сифатида зилзила хавфини камайтириш, аҳоли ва инфратузилманинг хавфсизлигини таъминлаш борасида изчил ва кенг қамровли ислохотларни амалга оширмоқда. Бу ислохотлар доирасида зилзиладан олдин, зилзила вақтида ва ундан кейин амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар комплекс ёндашув асосида режалаштириляпти. Асосий мақсад зилзила оқибатидаги талафотларни минимал даражагача камайтириш, инсон ҳаёти ва мулкнинг муҳофаза қилиш, шунингдек, инфратузилмани тез ва самарали тиклаш имкониятини яратишдан иборат.

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш бўйича инновацион йўналишда муҳим лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу шаҳар миқёсида зилзила оқибатларини олдиндан баҳолаш ва хавф даражасини аниқлаш имконини берадиган рақамли модель ҳисобланади. Лойиҳа доирасида пойтахтдаги барча бино-иншоотлар, уларнинг конструктив хусусиятлари ва жойлашуви тўғрисидаги маълумотлар рақамли моделига жойлаштирилмоқда. Кейин эса эҳтимолий зилзила сценарийлари асосида ҳар бир ҳудуддаги иморатларнинг зарар кўриш эҳтимоли, талафот миқдори ва таъсир доираси аниқланади. Натижада нафақат зарар миқдорини олдиндан баҳолаш қилиш, балки фавқулодда вазиятларда тайёргарлик кўриш, эвакуация режаларини аниқ белгилаш ва фавқулодда вазиятда тиббий хизматни ташкил қилиш каби муҳим вазифаларни самарали ҳал этиш имконини беради.

Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти жамоаси эса янги

қурилаётган иморатлар зилзилага қанчалик бардошлилигини тадқиқ этипти. Ҳар бир лойиҳа чўқур ўрганилмоқда. Институт олимларининг ҳулосасисиз тўртинчи тоифа қирувчи янги бино ва иншоотлар лойиҳалари тасдиқланмапти.

2024 йилда Сейсмология институти томонидан Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Андижон вилоятлари бўйича жами 59 та туман ва шаҳар турар жой биноларининг сейсмик хавфи атрофича баҳоланди. Ҳар



бир ҳудуд учун кучли зилзилада юзага келадиган эҳтимолий талафотлар хариталари ишлаб чиқилди. Ушбу маълумотлар маҳаллий ҳокимиятлар, лойиҳалаш ташкилотлари ва фавқулодда вазиятлар хизмати учун амалий қўлланма сифатида хизмат қилмоқда.

Айни пайтда мамлакатнинг барча ҳудудлари кесимида сейсмик хавф даражаси илмий асосда баҳоланади, бу эса сейсмик хавфни бошқариш ва режалаштириш соҳасида муҳим стратегик қадам ҳисобланади. Сейсмик хавфни тўлиқ ва ҳолис баҳолашда ер қатридаги геодинамик жараёнлар Сейсмология институти томонидан ўрганилаётган бўлса, ер устидаги бинолар ва иншоотларнинг конструктив таҳлили Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти томонидан амалга оширилмоқда.

Ушбу икки илмий муассаса ҳамкорлигида ҳисоблаш моделлари, норматив ҳужжатлар ва методик тавсиялар ишлаб чиқарилади. Бу тажриба шаҳарлар ва аҳоли зич жойлашган ҳудудлардаги объектларнинг сейсмик бардошлилигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда сейсмик хавфсизлик соҳасида илм-фанда эришилган ютуқлар халқро миқёсда ҳам тан олинмоқда. Жумладан, Осиё сейсмологик комиссиясининг 16-Бош ассамблеясини 2026 йилда Тошкент шаҳрида ўтказиш белгиланди.

Бугунги кунда сейсмик хавфсизлики таъминлаш фақат табиий офатларга қарши кураш эмас, балки давлат сиёсати, илмий ёндашув, муҳандислик ечимлари ва жамоатчилик онгининг уйғунлигида ҳал этиладиган миллий хавфсизлик масаласидир. Ўзбекистон олимлари томонидан ишлаб чиқилаётган инновацион ечимлар ва амалий натижалар нафақат мавжуд муаммоларни ҳал этиш, балки келажакдаги хавфларнинг олдини олишга ҳам хизмат қилмоқда.

— Бугунги дунё яна бир бурилиш остонасида турибди. XXI асрда глобал инкирозлар, сунъий интеллект, биотехнология

ва метаолмлар каби феноменлар инсон ҳаётини ўзгартирмоқда. Моддий тараққиёт шиддати маънавий камолотни орқада қолдираётгандек. Шундай вазиятда Учинчи Ренессанс зарурати юзага келиши шубҳасиз.

— Ренессанс фақат қайта тикланиш эмас, балки янги таҳлилий дунёқарашининг юзага чиқиши демакдир. Инсоният бутун моддий тараққиёт билан бир қаторда, маънавий инқирозга ҳам дуч келмоқда. Бундай шароитда илм, маърифат ва фалсафага бўлган эҳтиёж янада ортади. Юртимизда эса бу эҳтиёжни қондиришга қаратилган кенг қамровли жараёнлар, аллақачон, бошланган. Хусусан, ўзбек алломаларининг бой илмий мероси қайта ўрганилмоқда, таълим ва илмий тадқиқотлар ўртасидаги интеграция кучаймоқда. Илмий ишланмаларда миллий гоъ ва маънавий қадриятларни уйғунлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ренессанс — жараён. Яъни кенг қамровли шундай бир муҳит вужудга келадики, у ерда жамият ривожланади, ижтимоий онг юксалади, илм-фан, санъат ва маданият жадал суръатда гуллаб-яшнайд.

Мен Учинчи Ренессанс пойдевори деганда миллитнинг маънавий камолотга қайтиши, фикрлаш маданиятининг янгилиниши ва илмнинг ҳаётдаги бош мақомини тиклашни тушунаман. Энди уйғонишнинг марказида фақат инсон эмас, балки инсон ва сунъий интеллект ўртасидаги муносабат ҳам туради.

— Сунъий интеллект илм-фаннынг ўрнини босадими?

— Ҳозирги кунда сунъий интеллект ва катта маълумотлар технологиялари жаҳон илм-фанининг энг муҳим ва истиқболли йўналишларидан бирига айланган. Фанлар академияси ҳам 2030 йилгача мўлжалланган илмий ривожланиш дастури лойиҳасида бу соҳани стратегик устувор йўналиш сифатида белгилашни кўзда тутилган. Бугунги кунда тизимдаги институтлар томонидан сунъий интеллект технологиялари турли соҳаларда жорий этилиши режалаштирилган. Масалан, астрофизикада ўзгариувчан юлдузларни аниқлаш, зилзилаларнинг прогноз қилишда интеллектуал моделлар яратиш, кўш энергетикасида Big Data асосида самарадорликни ошириш, энергетика инфратузилмасини киберхавфлардан ҳимоя қилиш ҳамда тиббиётда касалликларни баҳолаш қилиш каби муҳим тадқиқотлар режалаштирилган. Шунингдек, янги “ақли” материалларни моделлаштириш, иқтисодиёт соҳасидаги қарор қабул қилишни оптималлаштириш ва компьютер томографияси каби аниқ соҳаларда ҳам сунъий интеллект технологиялари амалиётга жорий этилади.

Бу борада яна бир қанча лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган. Уларда янги материаллардан тортиб, гидроэлектростанциялар, энергия ишлаб чиқариш, уни оптималлаштириш ёки янги дори воситаларини кашф қилиш учун сунъий интеллектдан фойдаланиш дастуриларини ўз ичига олади. Илгари йиллар давомида қайта-қайта тажриба ўтказиш, хатолар ва уни тузатиш усуллари орқали натижага эришилган бўлса, ҳозирги кунда сунъий интеллект ёрдамида бунга жуда тез амалга ошириш имконини бор. Энг муҳими, бу ишлар орқали биз нафақат янги билимлар яратяпмиз, балки уларни стартаплар, лицензиялар ва амалий лойиҳалар орқали ҳаётга таъбиқ этишга ҳаракат қилияпти. Бу эса Ўзбекистоннинг илмий ва технологик суверенитетини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади.

Сунъий интеллект, албатта, таҳлил, прогноزلаш, тезкор қарор қабул қилиш соҳаларида жуда катта имкониятлар яратмоқда. Бироқ у илм ва интунцияни, маънавий танловни алмаштира олмайд. Шу сабабли, у қанчалик ривожланмасин, илм-фаннынг иқодий ва инсонпарварлик асосига қурилган мақомини эгаллаб бера олмайд.

— Юқорида Учинчи Ренессанс пойдевори ҳақида фикр юритдингиз. Бу нафақат илм ва маданият, балки ақл ва технология, инсон ва сунъий интеллект ўртасидаги мувозанатни топиш жараёнидир. Бу мувозанатни топиш нима учун муҳим?

— Сунъий интеллект инсоният тарихида биринчи марта инсон ақлига яқин функцияларни бажараётган тизим сифатида юзага чиқмоқда. Учинчи Ренессанс айнан инсоннинг иродаси, ахлоқий масъулияти ва интеллектуал мустақиллиги орқали сунъий интеллектни бошқаришни ўрганиш жараёнини ҳам ўз ичига олиши керак. Бу ақлни автоматлаштириш эмас, балки инсонпарварликка йўналтириш, инсон ва машина ўртасидаги алоқани бошқарувчи фалсафий пойдевор яратиш, тафаккур ва глобал технологиялар ўртасида мувозанат топиш демакдир.

Бир вақтлар уйғониш марказида инсоннинг ўзи турган бўлса, энди эса инсон ва сунъий интеллект ўртасидаги муносабат алоҳида аҳамият касб этмоқда. Инсон ўз ақлини чексиз имкониятга эга технологиялар — сунъий интеллект орқали бойитиши мумкин, лекин бу жараёнга раҳбарлик, йўлбошчилик қила олиш ҳам муҳим. Агар биз сунъий интеллектни фақатгина ҳисоб-китоб воситаси сифатида кўриб, уни маънавиятдан узилган ҳолда ривожлантирсак, келажакда жамиятда маънавий бўшлиқ, ҳатто инсон қадрини тушуниш ҳам муаммолар пайдо бўлиши мумкин.

Шу боис, Ренессанс фақат илм эмас, балки инсонни инсонлигига сақлаб қолиш учун курашдир. Бу уйғонишни тўлиқ амалга ошириш учун бизга фақат технология эмас, балки теран тафаккур, мустаҳкам фалсафа ва маънавий масъулият керак.

Илм — миллат қудрати, фикр — тараққиёт меҳари. Агар биз жамият сифатида илмга суянсак, маърифатни қадрласак, ҳар қандай қийинчиликларга йўл топамиз.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Рисолта МАДИЕВА суҳбатлашди.

